

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****45 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2013 йил 4 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2013 йил 13 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг 4-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модда 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда;

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2014 йил 21 январда эълон қилинган.

2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **I бўлими** қуйидаги мазмундаги **9<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«9<sup>1</sup>-модда. Судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган ходимларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар**

Судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 61-модда:**

**биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича камида ўн йиллик, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси бўлиши мумкин»; қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар заҳирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқиши ва стажировкани ўта-

ши шарт. Ўқув ва стажировкани ўташ даврида улар асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилинади»;

2) **62-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Йигирма беш» деган сўзлар «Ўттиз» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «ўн саккиз» ва «бир ярим» деган сўзлар тегишинча «ўттиз» ва «икки ярим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **66-модданинг иккинчи қисми** «судьялик шаънини» деган сўзлардан кейин «судьялар одоб-ахлоқи қоидаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **71-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ёки суд қарори билан унинг муомала лаёқати чекланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **72-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда»;

6) **73-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек судьялик шаъни ва кадр-кимматига доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этганлик учун;

судьялар одоб-ахлоқи қоидаларини бузганлиги учун фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига кўра интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин»;

7) **74-модданинг биринчи — тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тузилади:

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяга малака даражасини бериш;

халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

судьялик қасамёди ва судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда қўмаклашади.

Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати Ўзбе-

кистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса, Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференциясида беш йил муддатга сайланади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларининг конференцияларида беш йил муддатга, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари эса, ҳарбий судлар судьяларининг конференцияларида ана шу муддатга сайланади»;

**8) 75-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Судьялар ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод этилади»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**9) 9-боб** қуйидаги мазмундаги **76<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«76<sup>1</sup>-модда. Судьяларнинг ваколатлари тугаганидан кейин уларга берилadиган кафолатлар**

Ваколатлари муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқилadиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Судьяларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланишга ёки тайинланишга қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилadi, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилadi».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 927–XII-сонли Қарори билан тасдиқланган **Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164–II-сонли Қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 134-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

**1) 4-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий

хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Котибияти мудирига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига, бўлим бошлиқларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг, Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига, бўлим бошлиқларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг, Олий суди раисининг, Олий хўжалик суди раисининг ёрдамчиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсати котибиятининг бошлиғига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди Раёсати котибиятининг бошлиғига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 5-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси»;

**иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**3) 8-модданинг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси»;

**4) 12-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5) 13-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида**»ги 1050–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 9-10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахбо-

ротномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2012 йил, № 12, 331-модда) **22-моддасининг еттинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самардорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилади. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) қуйидаги мазмундаги **155<sup>1</sup>** ва **155<sup>2</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«155<sup>1</sup>-модда. Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик**

Ушбу Кодекснинг 155, 155<sup>2</sup>, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаслик, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларга нисбатан ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **155<sup>2</sup>-модда. Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш**

Шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, бундай ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиний жавобгарликдан озод қилинади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10,

536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **242-модданинг 2-банди** чиқариб ташлансин;
- 2) **243-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«243-модда. Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг ваколатлари**

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ўзларига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни комиссия таркиби аъзоларининг камида ярми мавжуд бўлганда кўриб чиқишга, ушбу Кодекснинг Махсус қисмида назарда тутилган маъмурий жазоларни ўзларига берилган ваколатлар доирасида қўллашга ҳамда оддий кўпчилик овоз билан қарорлар қабул қилишга ҳақлидир»;

- 3) **246-модда** чиқариб ташлансин;

4) **268<sup>1</sup>-модданинг номидаги, биринчи қисмидаги, иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги** «Монополиядан чиқариш», «монополиядан чиқариш» деган сўзлар тегишинча «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш», «хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **309-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 242-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи бандларида» деган сўзлар «ушбу Кодекс 242-моддасининг 1 ва 3-бандларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»**ги 103–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 178-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси фуқароси» деган сўзлар «ўттиз ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- 2) **II бўлим** куйидаги мазмундаги **18<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«18<sup>1</sup>-модда. Конституциявий суд судьяларининг ваколатлари тугаганидан кейин уларни ишга жойлаштириш бўйича кафолатлар**

Конституциявий суд судьяларининг ваколатлари тугаганидан кейин

уларга Конституциявий суд судьяси лавозимига сайланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади»;

3) **29-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Конституциявий суд девони ходимларига мансаб даражаларини белгилаш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади»;

4) **31-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Конституциявий суднинг судьялари ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) қуйидаги мазмундаги **69<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«69<sup>1</sup>-модда. Судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган ходимларни ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар**

Судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан

чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг:**

**номидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси»** деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **49-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **111-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги 337–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **14-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари**

Партия гуруҳи — сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган депутат фақат шу партиядан партия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоятлар марказлари) Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган камида беш нафар депутат бирлашган тақдирда тузилади.

Партия гуруҳи ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Партия гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

партия гуруҳининг ўз ташаббуси билан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда;

партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;

тегишли сиёсий партиядан партиянинг фаолияти тугатилганда;

2) қуйидаги мазмундаги **14<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«14<sup>1</sup>-модда. Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари**

Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидоги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари

ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши худудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан муурожаат қилиш;

тегишли худудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига эга.

Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи албатта кўриб чиқилади.

Партия гуруҳлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия гуруҳлари фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш Жўқорғи Кенгесининг девони томонидан, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш эса, ҳокимликларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан таъминланади».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Бож тарифи тўғрисида**»ги 470–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 322-модда, № 9, 419-модда, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 4, 179-модда; 2010 йил, № 12, 474-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда) **33-моддаси биринчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет эллик инвесторлар, чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари учун олиб қириладиган мол-мулк».

**14-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул

қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **84-модданинг:**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан жамоатчилик назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар»;

**учинчи қисмидаги** «посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **85-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ҳамда посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **173-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади.

Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади. Соғлигининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин»;

2) **174-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«174-модда. Васийлик ва ҳомийликни белгилаш**

Васийлик ва ҳомийлик туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Васийлик ёки ҳомийлик васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахснинг яшаш жойи бўйича, агар шахс муайян яшаш жойига эга бўлмаса, васийнинг ёки ҳомийнинг яшаш жойи бўйича белгиланади;

3) **175-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«175-модда. Васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш**

Васийлик ва ҳомийликни белгилаш ва тугатиш, давлат органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги ваколатларини амалга ошириш, васийлар ва ҳомийлар ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларини бажариш, ўзларига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқӣ муносабатлар «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади;

4) **176 — 193-моддалар** чиқариб ташлансин.

**16-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Чет эл инвестициялари тўғрисида**»ги 609–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-б, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 179-модда, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Чет эллик инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларидан олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган ҳар қандай даромад, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик ҳақлари, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ҳамда бошқа шаклдаги мукофотлар реинвестициялар деб эътироф этилади»;

2) **4-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар»;

3) **5-модданинг биринчи қисми:**

**тўртинчи хатбошисидаги** «шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «орқали» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«маҳсулот тақсимотига оид битимларга мувофиқ ер қаъри участкаларида конларни аниқлаш, қидириш ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқини олиш орқали»;

**4) 6-модда:**

**тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига олиш, шунингдек зарур рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади»;

**5) 10-модда:**

**биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатриация қилиш)»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чет эллик инвесторлар — жисмоний шахслар, чет эллик инвесторлар — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда ўз улушлари (ҳиссалари, акциялари) мавжуд бўлган бутун даврда тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва унда қолиш ҳуқуқига эга»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**6) 11-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «бошқа тўловлар» деган сўзлар «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7) 12-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги янгидан ташкил этиладиган, чет эллик инвесторнинг пул шаклидаги ҳиссаси камида беш миллион АҚШ долларидан иборат бўлган корхоналар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида улар давлат рўйхатига олинган санада амал қилиб турган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга доир нормалар ҳамда қоидаларни қўллашга ҳақлидир»;

**учинчи — ўн тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**еттинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторлар, чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет давлатлар фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан божхона божи ундирилмайди»;

**8) 14-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар қандай чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаларини эркин тузиш ҳуқуқига эга. Бундай шахслар меҳнат шартномаси амал қилишининг бутун даврида тегишли кўп марталик визалар олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш ва унда қолиш ҳуқуқига эга»;

**иккинчи қисмидаги** «қонунда белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловлар» деган сўзлар «қонунда белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9) 19-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, банклар томонидан чет эллик инвесторларнинг ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ қўшимча талаблар ва чекловлар белгилаш тақиқланади».

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида**»ги 611–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 93-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 310-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **4-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**иккинчи қисм:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«юқори замонавий технологияларни жорий этишга ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга инвестициялар киритилаётганда»;

**учинчи** ва **тўртинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмдаги** «ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни» деган сўзлар «ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъминлашни ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида берилиб, уларда, хусусан, чет эл инвестицияларини киритиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг ўрни қопланишини таъминлаш шартлари ҳамда тартиби ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва чет эллик инвестор ўртасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тузиладиган инвестиция шартномаларини, уларда чет эллик инвесторнинг инвестиция мажбуриятларини мустақкамлаган ҳолда, тасдиқлаш назарда тутилади».

**18-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **6-моддасининг учинчи** ва **тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади».

**19-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда; 2010 йил, № 9, 339-модда, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) **13-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул

қилинган «**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 824–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 338-модда) **12-моддасининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли ҳудуд, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашадилар».

**21-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик ширкатлари тўғрисида**»ги 308–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 325-модда) **26-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**22-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда) **46-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**23-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва кўшимча киритилсин:

1) **180-моддаси биринчи қисмининг 7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрис-

дикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари — уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича»;

2) **329-модда:**

**29-бандидаги** «шунингдек монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **36-банд** билан тўлдирилсин:

«36) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан»;

3) **330-модданинг:**

**19-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан»;

**21-бандидаги** «шунингдек монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **376-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар дейилганда чет давлатнинг фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек хорижий нодавлат юридик шахслар томонидан амалга оширилган инвестициялар тушунилади»;

5) **377-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳудудларда жойлаштирилганда;

чет эллик инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга оширилганда;

юридик шахсларнинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоиз бўлганда;

хорижий инвестициялар эркин алмаштирилладиган валюта ёки янги замонавий технологик асбоб-ускуна тарзида киритилганда;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилганлиги натижасида уларнинг қўлланилиши муддати мобайнида олинган даромадларнинг камида 50 фоизи юридик шахсни янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтирилганда».

**24-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда, № 12, 464-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг учинчи қисми иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **14-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**25-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «**Рақобат тўғрисида**»ги ЎРҚ–319-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 1, 5-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда) **9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**26-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 15-моддаси «Васийлик ва хомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 20 январь,  
ЎРҚ–365-сон